**Ушбу сонда:**
2 «Ишонч» фош этади — БОЛАЛАР РИЗҚИНИ «ТУЯ» ҚИЛГАНЛАР
3 КУН ТАРТИБИДА — меҳнаткашлар ҳуқуқий ҳимояси
4 МЕҲРИНГ ИЛА ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 27 декабр, сешанба № 205 (2046)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




*Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида ҳам замонавий корхоналар (суратда) қурилиб, ишга туширилди. Эътиборлиси шуки, улардаги илғор технологияни маҳаллий кадрлар моҳирлик билан бошқаришмоқда. Оловқалб ёшлар юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш, унумдорликни оширишда намуна бўлишмоқда.*

*Корхоналарда инсон омилига алоҳида эътибор берилаяпти. Ишловчилар манфаати мустаҳкам ҳимояда.*

**Х.МАМАДАЛИЕВ олган суратлар**



## КАСАБА УЮШМА СПОРТЧИСИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

*Хушхабар*

Мустақиллик йилларида касаба уюшмалари спорт мактаби вакиллари жаҳон ва Осиё майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Олимпиада ўйинлари ғолиблари, қитъа ва жаҳон чемпионлари сафида касаба уюшма спортчиларининг борлиги қувонарлидир. Уларнинг издошлари бўлмиш ёш истеъдодлар ҳам майдонга ярқ этиб чиқмоқда. Янги-янги номлар кашф этиляпти. Юксак чўққилар забт этилмоқда.

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзоси, вилоят Олимпия заҳиралари спорт коллежи толиби, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Акобир Усмонов шу йил бир қанча халқаро мусобақа ва турнирларни муваффақиятли ўтказди. Жумладан, жорий йил август ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида 69 кг вазн тоифасида даст кўтаришда 126 кг, силтаб кўтаришда 155 кг натижани кўрсатиб Осиё рекордини янгилади.

Бу ғалаба билан қаноатланмаган А.Усмонов 13-24 декабр кунлари Корея мамлакатида бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича, Осиё Кубогида 133 кг, силтаб кўтаришда 162 кг, жами 295 кг натижа билан Осиё Кубогини қўлга киритиб, Осиё чемпиони ҳамда ёшлар ўртасда оғир атлетика бўйича «Энг яхши спортчи» деган унвонга сазовор бўлди. Бу муваффақиятлар замирида мураббийлар меҳнати борлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ғайрат Толибовнинг шогирди Акобир Усмонов ҳали бу зафарлар билан чекланиб қолиш ниятида эмас. У устози раҳнамолигида жаҳон ва Олимпия ўйинларида ҳам ғолибликни қўлга киритиб, Ватан байроғини сарбаланд этиш орзусида.

**М.МАҚСУДОВ,**
**Самарқанд вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг 1-сон БЎСМ директори**

*Истиқлол берган имкон*

***Азалдан авлод-аждодларимизга ризқ-рўз улашиб келган Жайҳун соҳилларида қиш-қировли кунлар бошланди. Дарё томонидан эсаётган совуқ шамоллар этни жунжиктиради. Лекин, қалби дарёдек уйғоқ, элим деб, юртим деб яшаётган Оролбўйи аҳли истиқлол эпкинларидан кўксиларини тўлдириб, эмин-эркин меҳнат қилиб, янги-янги зафарларни қўлга киритмоқда.***

## ЖАЙҲУН ШАМОЛЛАРИ ЭСГАН ЗАМИНДА

Элликқалъанинг бепоён кенгликларида бундан юз йиллар илгари мавжуд бўлган Аёзқалъа, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Қирққизқалъа каби ёдгорликларнинг 126 таси сақланиб қолган ва улардан ўнга яқини ЮНЕСКО рўйхатига киритилиб, давлат муҳофазасига олинган. 1991 йил 14 сентябрда ташкил этилган Археология ва тарих музейида сақланаётган тўрт ярим мингдан ортиқ экспонатлар бу маконнинг уч минг йиллик тарихидан сўзлайди.

Улкан наҳр қирғоғидан бошланадиган пасту-баланд қумликларда ёввойи ҳайвонлар жон сақлайдиган саксовулзору тўранғиллар, балиқлар ғужғон ўйнайдиган қалин қамишзорлар, турли-туман қушлар чарх урадиган ойнадек тиниқ кўллар кўзга ташланади. Истиқлол шарофати билан Элликқалъада катта иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Бундан 28 йил муқаддам Жанубий Оролбўйи қўриқларида ташкил топган туман йирик саноат ва қишлоқ хўжалик масканига айланди. Туманда 3080 тонна дон, 27300 тоннадан ортиқ пахта тайёрланиб, шартнома режаси ошириб уддаланди. Мулкчиликнинг янги шаклига ўтилганлиги иқтисодий самара берди. «Элликқалъа», «Бўстон», «Боғён», «Янгиер», «Дўстлик», «Сарибей» фермер хўжаликлари уюшмаларида гектарлар ҳосилдорлиги 35-40 центнердан ошиб кетди. Пахтачиликнинг ўзидан 2 миллиард сўмдан ортиқ соф фойда олинди.

«Тоза Амиробод» ширкат хўжалиги дон ва пахта тайёрлаш шартнома режаларини муваффақиятли бажариб, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераяпти. Замонавий усулда қурилган овул шифокорлар пункти 1900 нафар кишига тиббий хизмат кўрсатаяпти. Хўжалик марказида Афғонистонда ҳалок бўлган байналмилалчи жангчилар Маратбек Набиев ва Умрбек Эгамбердиевлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

Тажриба хўжалигининг ташкилотчиси ва раҳбари Тожигул Аширова гўзалликка ошуфта қалб эгаси. Унинг ташаббуси билан чўлда мевазор боғ яратган Қаландар Бойназаровнинг хотираси ҳам шод этилиб, ёдгорлик ўрнатишга киришилди.

«Ал-Хоразмий» фермерлар уюшмасига қарашли Гулдурсун овулининг «Ражаббой Қулиев», «Рустам Рўзимбетов», «Ўринбой Қаландаров», «Ашир Саъдуллаев» фермер хўжаликларида асосий эътибор ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. «Бандлик» дастури изчиллик билан амалга оширилаяпти. Янгидан 1300 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Яқинда ўтказилган меҳнат ярмаркасида 24 та корхона ва ташкилотлар ўзининг 116 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Энг ибратлиси ярмаркада маҳаллий муассасалар билан бирга Хитой Халқ Республикасининг «ЧЖИНО ХОН ЖЮ» компанияси ҳам фаол қатнашди. Компания Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Оролбўйи минтақасидаги ирригация-мелиорация тадбирларига ажратган сармоясининг бир қисмини тендер танловида ютиб олди. 30 нафар экскаваторчи, 50 нафар бульдозерчи, 10 нафар ҳайдовчидан иборат янги иш ўринларига жойлашган юртдошларимиз ҳам хорижликлар билан ёнма-ён ишлаб, тажриба орттирмоқдалар.

«Сарибей» овул фуқаролар йиғинида янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. «Эшонгузар» деб аталадиган мажмуада стоматология поликлиникаси, миллий таомлар ошхонаси ва савдо дўкони бор. Тадбиркор Хуршид Рўзимбетовнинг саъи-ҳаракати билан ўндан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди.

Замонавий спорт мажмуаларига эга тиббиёт коллежининг 240 ўринли ётоқхонаси, олтита овул врачлик маскани фойдаланишга топширилганлиги, 10 километр табиий газ, 2,5 километр тоза ичимлик суви тармоқлари тортилганлиги, 700 квадрат метр савдо шахобчалари қурилганлиги, «Ўздунробита», «Юнител», «Перфектум мобайль» уяли алоқа компанияларининг ва халқаро «Интернет» хизматидан кенг фойдаланилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Туман маркази Бўстон шаҳри ҳозирги замон меъморчилигининг сўнгги ютуқлари асосида қурилган муҳташам иморатлари, кенг ва равон кўчалари, бир-биридан гўзал хиёбонлари билан машҳур. «Мотамсаро она», «Байналмилал жангчилар», «Устозга эҳтиром» хиёбонлари қувноқ ёшлар ва кўпни кўрган отахону онахонларнинг дам олиш масканига айланган. Бу жойларда қишин-ёзин анвойи гуллар яшнаб туради. Аҳолининг томорқа ерларини суғориш учун учта электр насоси бетўхтов ишлатилмоқда.

Санъат саройи, 4 минг кишилик амфитеатр, 20 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ одамлар билан гавжум. Ўз маҳсулотларини хориж бозорларига жўнатаётган «Элтекс», «Юнивер», «Медикал», «Коттон ЛТД», «Элнур», «Элликқалъа олтин толаси» корхоналари республика иқтисодиётига катта фойда келтираяпти. Кейинги икки йил ичида Темирйўлчилар шаҳарчаси қад ростлади. «Деҳқон бозори», «Ёшлик» хиёбони, иккита 16 ва 24 хонадонга мўлжалланган турар-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бепоён Қизилқум кенгликларида кўркам шаҳар бундан чорак аср илгари бунёд этилган эди. Ҳозирги пайтда 15 минг аҳоли истиқомат қилаётган дашт бағридаги баҳаво масканда академик лицей, тиббиёт, ижтимоий ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари, бизнес мактаби, 3 та умумтаълим билим даргоҳи ва бошқа ўнлаб маданий-маиший муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Қуюқ дарахтзорлар билан ўралган «Орол болалари» халқаро соғломлаштириш марказида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган ўғил-қизлар дам олиб, соғлиқларини тиклайдилар. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмалари томонидан «Ақчакўл илҳомлари» адабиёт ва санъати анжумани, машҳур санъаткор Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган ёш хонандалар кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. 15 яшар мактаб ўқувчиси Машҳура Шарипованинг «Жайҳун қизи» шеърий китоби аллақачон ўз ихлосмандларини топган.

Ёш ижодкорларнинг «Ҳеч кимдан кам эмас, Ватаним маним!» шиори остида ўтказилган кўрик-танловида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов ва Тўлепберган Қаипбергенов иштирок этдилар. Назм йўналишида нукуслик Омонгул Турдимуротова, мўйноқлик Абадан Турдимуротова, хўжайлилик Дилноза Матқаримовалар ғолиб чиқиб, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига, чимбойлик ижодкор Рауаж Ўтирбоев Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги олий адабиёт курсига тавсия этилдилар.

Отажон Худойшукуров йўналишида куйлайдиган хонандалар танловида тўрткўллик Эргаш Жумагелдиев биринчи ўринни эгаллади. Уюштирилган ижодкорлар анжумани Оролбўйида юзлаб иқтидорли ёшлар камол топаётганлигини намойиш этди.

**И.НИШОНОВ**

*Ташаббус сўнмасин*

***Давр тинимсиз изланишни ҳамда ташаббускорликни тақозо этмоқда. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги раёсат йиғилиши ҳам янгиликларга ҳамда таассуротларга бой бўлди. Унда барча анжуман иштирокчилари экран орқали мулоқотдан баҳраманд бўлишди. Бу янгиликнинг ўзига хос афзаллик томонлари бор, албатта.***

## ЭКРАН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Мазкур анжуманда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг иш берувчилар билан биргаликда ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандлари соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бошқа бир қатор долзарб масалалар муҳокама этилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Марказий кенгаш ҳамкорликда тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган аниқ ишларни амалга оширдилар. Қабул қилинган тармоқ келишуви ижтимоий кафолатларнинг умумий йўналишини белгилаб берди. Корхона ва ташкилотларда эса жамоа шартномаларини тузиш йўли билан муайян тадбирлар амалга оширилди.

Бу йилги ёзги мавсум давомида тармоқ ходимларининг 5300 нафар фарзандлари дам олдирилиб, саломатликлари тикланди. Бу ўтган йилги кўрсатгичдан анча кўпдир. Болаларни соғломлаштириш Марказий кенгашнинг доимий назоратида бўлди. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Тошкент вилоятларидаги болалар ёзги оромгоҳларида муаммоларнинг ҳал этилишига амалий ёрдам берилди. Уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Зарур асбоб-анжом, музлатгичлар билан таъминланди. Спорт анжомлари, озиқ-овқат таъминоти яхши йўлга қўйилди. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида «Тошкент шаҳар телефон тармоғи», «Тошкент телефон-телеграф станцияси», «Тошкент почтамти» каби ташкилотларда бу борада яхши натижаларга эришилди.

Тармоқда соҳа ходимлари ўртасида спортни оммалаштириш, ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 11 ойи давомида тармоқнинг 381 нафар ходими санаторийларда соғлиғини тиклади.

Республиканинг барча вилоятларида «Энг яхши спортчи ва соғлом оила» спартакиадалари ўтказилди. Уларда асосан телекоммуникация ва почта корхоналари ходимларидан жами 576 нафар алоқачи қатнашди. Спартакиаданинг якунловчи республика босқичида 14 та жамоадан 126 нафар алоқа ходими иштирок этди. Фарғона вилоятида ушбу тадбирлар муттасил равишда ўтказилиб келаётганлиги сабабли жамоа спартакиадада биринчи ўринни эгаллади. Хоразмлик алоқачиларга эса иккинчи ўрин насиб этди.

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тармоқдаги кўпгина корхона, муассаса ва ташкилотларда спорт заллари йўқ. Тренажёр залларнинг сони атиги 15 тани ташкил этади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фақат 35 та стол тенниси мавжуд.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тармоқдаги кўпгина жойларда ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишга етарли даражада эътибор қаратилмаётир. Масалан, «Андижонтелеком» филиалида 1311 нафар ходим фаолият кўрсатади. Уларнинг 729 нафаригина тиббий кўрикдан ўтган. Фарғона вилояти телекоммуникация корхоналарида 1796 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Улардан 87 нафаригина тиббий назоратдан ўтганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЖ ЗИЁРАТИГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

***Дунё мусулмонларининг кутлуғ айёмларидан бири - Қурбон ҳайити яқинлашмоқда. Диёримиз мусулмонлари ҳам ҳаж амалларини адо этиш ниятида Саудия Арабистонига йўл олдилар. Ушбу байрам кунларида муқаддас Каъбани тавоф этиб, пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (с.а.в) қабрларини зиёрат қиладилар.***

Ватанимиз истиқлолга эришгандан кейин халқимиз ҳаж амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди. Бу йил ҳам минглаб юртдошларимиз мусулмонлар учун фарз қилинган ислом динининг бешинчи рукнини бажарадилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш, жумладан, уларнинг муборак ҳаж амалларини адо этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 12 декабрида қабул қилинган «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори ана шу эзгу мақсадларга қаратилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш, қулайликлар яратиб бериш билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирлар ниҳосига етказилди. Айтиш жоизки, юртдошларимизнинг зиёратга боришларини ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар йил сайин намунали ўтказилмоқда. Масалан, авваллари ҳамюртларимиз самолётда Жидда шаҳрига, у ердан автобусларда Мадинаи мунаввbooрага борган бўлсалар, эндиликда бу йўналиш ўзгарди: икки йилдирки, Тошкентдан учган самолёт тўғри Мадина аэропортига қўняпти.

Бир гуруҳ ҳамюртларимиз 25 декабр куни «Тошкент» аэропортидан Саудия Арабистонига жўнаб кетдилар.

- Собиқ Шўро тузуми даврида яшаган отам ҳаж зиёратига боришдек ниятига етолмай, армон билан кетди,- дейди Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида яшовчи Абдулла Иброҳимов. - Ватанимиз мустақиллиги боис бу шарафли вазифа минглаб юртдошларимиз қатори менга ҳам насиб этди. Ҳаж амалларини адо этиш чоғида Яратган эгамдан эл-юртимизга тинчлик-хотиржамлик, ободлик, фаровонлик, барча эзгу ишларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган муҳтарам Юртбошимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр сўраймиз.

**(ЎзА)**

***Нурота туманидаги «Ғозғонмармар» ҳиссадорлик жамияти акцияларининг 50 фоизини «РосcЎзмармар» компанияси сотиб олгач, корхона фаолиятида туб бурилиш ясалди.***

## УНУМДОРЛИК БЕШ БАРОБАРГА ОШДИ

Россиялик тадбиркорлар ёрдамида яроқсиз асбоб-ускуналар замонавий технологияга алмаштирилди. Натижада ҳозиргача 620 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жумладан, 11 минг кубометр мармар ҳарсанглари, 40 минг 400 квадрат метр мармар тахтачалари буюртмачиларга етказиб берилди. Айни пайтда «Аср», «Камалак», «Мовийранг тош», «Қизилтош», «Бўшангмармар» шўъба корхоналари мармар ҳарсанглари қазиб олишда пешқадамлик қилмоқда.

- Корхонамизга янги технологияларни ўрнатгач, иш унумдорлиги беш баравар ошди, - дейди «Ғозғонмармар» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Шавкат Раҳматов. - Энди бир ойда 500-600 кубометргача мармар ҳарсанглари қазиб олинмоқда. 2006 йилда 13 минг 200 кубометр мармар тошлари қазиб олишни ҳамда 60 минг квадрат метр плиталар тайёрлашни режалаштирганмиз. Бир миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотни Россия, Италия, Украина ва бошқа давлатларга экспорт қилдик. Шунингдек, Россиянинг «МКК холдинг» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона очиш ҳақида ҳужжат-лойиҳалаш ишларини бошлаб юбордик.

Келгуси йил корхонамиз учун ривожланиш йили бўлади. Бунинг учун барча имкониятлар яратилмоқда.

## БУЮРТМАЧИЛАРГА МАНЗУР

Тадбиркор Раъно Сатторова «Пахта-банк»нинг Янгиер шаҳар бўлими томонидан берилган икки миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан «Миневра» русумли замонавий тикув машиналарини сотиб олгач, ишлари янада юришиб кетди. Унинг хизмат кўрсатиш доираси ҳам кенгайди.

Раъно бошқараётган цехда мижозларнинг буюртмалари асосида замонавий ва бежирим аёллар либослари тикилмоқда. Мўъжазгина цехда фаолият юритаётган Р.Бузрукова, Б.Холиқназарова ва Ф.Мадазимовалар тиккан либослар буюртмачиларга айниқса манзур бўлмоқда. Шунингдек, улар ўнга яқин қизга тикувчилик сир-асрорларини ҳам ўргатмоқда.

*Шарҳловчи минбари*

МИСР:

## МУХОЛИФАТ ЕТАКЧИСИ ҚАМАЛДИ

Мисрда мухолифат етакчиси, «Ал-Жад» партияси раҳбари Айман Нур беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Қоҳира судининг ўтган ҳафта чиқарган ҳукми уни кўзга кўринган сиёсатчидан оддий маҳбусга айлантирди.

Судда айтилган айбловларга кўра, А.Нур ва унинг икки ёрдамчиси ўтган йилнинг ноябр ойида «Ал-Жад» партиясини рўйхатдан ўтказиш чоғида муҳр ва имзоларни сохталаштирган. Маълум бўлишича, партиянинг 2 минг аъзосидан 1400 нафари аслида йўқ одамлар, тўғрироғи, марҳумлар экан. Уларнинг исми фамилияси шаҳар ўликхонаси рўйхатидан кўчириб олинган. Ушбу жиноят юзасидан партия котибиятининг бир неча ходими ҳам қамоқ жазосига тортилди.

Мухолифат етакчиси ўзига қўйилган айбларни тан олгани йўқ. У партиянинг айрим фаоллари томонидан уюштирилган, аввалдан пухта режалаштирилган фитна қурбони бўлганини айтмоқда. Бунда мамлакат махсус хизматининг қўли борлиги аниқ, фитначилар аслида уларнинг партияни ичдан йўқ қилиш мақсадида жалб этилган махфий агентлари ҳисобланади, деди у.

А.Нурнинг ҳимоячилари шаҳар судининг қароридан норозилик билдириб, апелляция судига мурожаат қилмоқчи. Аммо айрим маҳаллий кузатувчилар улар бирор ижобий натижага эришиши қийин, демоқда.

Маълумки, «Ал-Жад» раҳбари жорий йилнинг сентябр ойида ўтказилган президент сайловида иштирок этган, лекин бор-йўғи 8 фоиз овоз олиб, асосий рақиби, амалдаги давлат раҳбари Ҳусний Муборакка ютқизган эди. Икки ойдан сўнг эса парламент сайлови ўтказилди. А.Нур бу сайловда ҳам муваффақиятсизликка учради. Унинг партиясидан атиги биргина номзод парламентдан жой олди. Партия раҳбарининг ўзи эса ўн йилдан бери эгаллаб келган депутатлик ўрнидан маҳрум бўлди.

Булар Мисрда ҳам ўзини мухолифат деб атовчи бир гуруҳ фирибгарлар иш кўрганидан далолат беради.

**(ЎзА)**

## Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

# САХОВАТ

## инсон қалбидаги эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси

**«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га қадам қўйяпмиз. Ҳомийликни аввало саховат деб тушуниш керак. Саховатнинг эса маъноси кенг. Агар саховат кўрсатишни олижаноблик деб атайдиган бўлсак, демак ҳомийлик бировнинг бошқа бировга кўрсатадиган олижаноблигидир.**

Кириб келаётган янги йил «Сиҳат-саломатлик йили»нинг мантиқий давоми деб айтилди. Назаримда саховат, меҳр-мурувват, оқибат, одамлар тўғрисида ғамхўрлик, умуман, инсонпарварлик ғояси 1997 йилдан бери эълон қилиб келинаётган йилларнинг асл моҳиятини ташкил этмоқда. Инсонпарварлик ғояси йилдан-йилга занжирдек бир-бирига уланиб кетмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, энди ҳомийлар ўз саховатпешаликлари билан мадад кўрсатадилар.

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида эътиборни ана шу масалага қаратар экан, жумладан, шундай деди:

«Сир эмас – бугунги бозор муносабатлари шароитида кимдир ўзининг Худо берган ақл-заковати, куч-қувватини ишга солиб, астойдил меҳнат қилиб яхши яшаяпти, кимдир эса ҳали мана шундай мураккаб шароитга тўла мослашиб ололгани йўқ.

Шунингдек, табиатан ёки қандайдир сабабларга кўра кўмак ва мададга муҳтож бўлган, ҳаётда омади юришмай турган инсонлар борлигини ҳам унутмаслигимиз, давлат ва жамият эътиборини ана шундай одамларга қаратиб, уларга ёрдам бериш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз зарур».

Мана бир неча йилдирки, биз инсонпарварлик ғоясини ҳаётга татбиқ этар эканмиз, ҳар йили мақсад сари дадил қадам ташлаяпмиз. Масалан, меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган 2004 йилни олайлик. Давлатнинг, алоҳида ташкилотларнинг, айрим саховатли инсонларнинг меҳр-мурувват чашмаларидан баҳраманд бўлганларнинг сон-саноғи йўқ. Етим-есирлар, бева-бечоралар, ногиронлар, фахрийлар, пенсионерлар, ёлғиз бўлиб қолган кишилар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ёрдамга ва эътиборга муҳтож инсонлар – буларнинг ҳеч бири меҳр-оқибатдан бебаҳра қолмади.

Халқимиз том маънода саховатли. Ўзбекнинг бу хислати 2004 йилда ҳам, бу йил ҳам ҳар бир кўча ва маҳаллада, ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда намоён бўлди. Ишқилиб савоб истаган ҳар бир саховатли инсон ўзга бир инсонга қўлидан келганича, имконияти борича меҳр-мурувват кўрсатди. Ҳеч бўлмаганда ширин сўзи, илтифоти, муомаласи билан бировнинг кўнглини шод, дилини обод қилди.

Энг муҳими, давлатимиз ўтган йили ўз халқига меҳр-мурувватини кенг қамровли дастурда ифодаланган аниқ режаларни амалга ошириш билан намоён қилди. Яъни, дастурда белгиланган тадбирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳомийлар маблағи сарфланди. Шунингдек, икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми 140 миллиард сўмни ташкил этди. Дастур доирасида кўплаб янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилди, кексалар, ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қулайликлар яратилди. Ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор кучайтирилиб, қарийб 134 минг нафар ногирон бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Бундай саховатли ишларнинг самарасидан халқимиз мамнун бўлди.

Якунланаётган «Сиҳат-саломатлик йили» ҳам аслида меҳр-мурувватга бой бўлди. Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек, «Сиҳат-саломатлик йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 1 ноябригача жами 165 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланганини бу йўналишда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўламини яққол кўрсатиб турибди. Бу дастур фақат тиббиётдан иборат эмас. Аввало унда инсонга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ифодаланган. «Аввало, шуни айтиш керакки, дейилади маърузада, – бошқа кўп ишларимиз қатори, ҳар қайси йилга ном беришда ҳам биз инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашни, кўпчиликни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилишни ўзимиз учун устувор вазифа деб белгилаб оламиз». Демак, номланаётган йиллар инсон ва унинг манфаатларини таъминлашда мантиқан бир-бирининг давомидир.

Шу жиҳатдан олганда, якунланаётган йилнинг аҳамияти беқиёс. Инсон саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлик ҳам меҳр-мурувватнинг ёрқин кўриниши. Саломатлик – инсон учун энг зарур, энг катта бойлик. Ана шу бойликка эга бўлсаккина биз бошқа бойликларга эришамиз. Президент маърузасида якунланаётган йилда эришган ютуқларимиз жонли рақамларда ифодаланиб берилди. Албатта гап фақат сарфланган сўмларда эмас. Энг муҳими, биз инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш йўлида яна бир дадил қадам босдик. Шубҳасиз, ўз фуқароларининг саломатлиги тўғрисида қайғурадиган давлатнинг келажаги нурли. Мамлакатимизда тиббиёт қай даражада равнақ топаётганини халқимиз кўриб турибди. Биз сўнгги йилларда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бир қанча шифохоналар, ихтисослашган тиббиёт марказлари, «тез ёрдам» станциялари, кўплаб қишлоқ врачлик ҳамда фельдшер-акушерлик пунктлари, мураккаб диагностика марказлари, айниқса, она-бола саломатлигини муҳофаза қиладиган поликлиникалар ҳамда махсус кабинетлар, аёллар маслаҳатхоналари ва бошқа тиббиёт масканлари ишга тушганлигини яхши биламиз. Шунингдек, бизда ўта малакали тиббиёт мутахассислари замонавий тиббий асбоб-ускуналари ёрдамида инсон танасининг турли аъзоларида мураккаб жарроҳлик муолажалари ўтказаётганидан, бошқа оғир касалликлар даволанаётганидан, тиббиёт соҳасида илмий изланишлар олиб бориб янгиликлар яратилаётганидан яхши хабардормиз.

Бироқ шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, тиббиёт соҳасида катта-кичик муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммолар ўтган йили Ўзбекистон раҳбарининг Конституция кунига бағишлаб қилган маърузасида айтиб ўтилган эди. «Айни пайтда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмаган ўткир муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартараф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз» деган эди Юртбошимиз. Шубҳасиз, бу йил ана шу муаммо ва нуқсонларни бартараф этиш йўлида кўп ишлар қилинди. «Сиҳат-саломатлик йили» дастурини амалга оширишда изчиллик ҳамда қатъиятлик кўрсатилди.

Гап тиббиётдаги ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида ҳам борар экан, биз айрим тиббиёт ходимларининг бурч ва масъулияти, тўғрироғи, касб одоби билан боғлиқ баъзи хатти-ҳаракатларини эслаб ўтмоқчимиз. Яъни, баъзи ҳолларда оғир ётган беморга борган «тез ёрдам» машинасининг ёқилғига зорлиги, ҳамширанинг шприцсиз, врачнинг дори-дармонсиз бориши ҳар қандай одамни ранжитади. Шунингдек, ҳозир дорихоналарда баъзан тиббиётдан бехабар одам дори сотаётганлиги ҳолатлари кузатилмоқда. Тиббиётда шунга ўхшаган бошқа камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ишончимиз комил, келаётган йил шифокорлар учун ғоятда шарафли бўлиш билан бирга ўта масъулиятли эканлигини дилдан англайдилар.

**Иброҳим НОРМАТОВ**



Айни пайтда шифо маскани 320 нафар беморларга хизмат қилади. Шунингдек,бу ерда диагностик марказ ва эндоскопия хоналари мавжуд бўлиб, шулар қаторида яқинда қизлар ва ўсмир қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш репродуктив маркази иш бошлади.

**Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

*Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар клиник шифохонаси иш бошлаганига 15 йил бўлди. Шифо маскани Самарқанд тиббиёт институтининг малакали профессор-ўқитувчилар жамоаси билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу давр мобайнида нафақат вилоятдан, балки қўшни вилоятлардан минглаб беморлар келиб, шифохонада ўз дардларига малҳам топиб кетишмоқда.*



# ОҚИБАТЛИ БЎЛСАК

Жорий йилнинг июн ойида кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга доир қатор Фармон, қарорларнинг қабул қилиниши ислоҳотларнинг чуқурлашуви, жамиятни эркинлаштириш, фермерлик ривожи билан чамбарчас боғлиқ. Ана шу қутлуғ қадамларнинг исботини хўжаободлик фермерлар фаолиятида яққол кўриш мумкин. Ўтган йили паст рентабелли, иқтисодиёти ночорлашган ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг таркибида, фермер хўжаликлари ташкил топди.

Шу муносабат билан ҳозирги мен етакчилик қилаётган «Адрдеҳқон» фермер хўжалиги тузилди. Тендер танловлари асосида фермерлигимизга 56 гектар ер ижарага ажратилди. Хўжаликда ўрним борлигидан, тажрибам қўл келганлигидан бошим осмонга етди. Мазкур жамоада 30 йилга яқин бригада бошлиғи бўлиб ишлаганим, пахтачиликда суягим қотганлиги зое кетмади.

Маҳалладошларимни, оила аъзоларимни ёнимга олдим. Айтмоқчиманки, фермерлик шарофати билан 30 нафар фуқаро муқим иш ўрнига эга бўлди. Айниқса, фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси қабул қилингандан кейин кунимиз туғди. Биз деҳқончилик қилаётган Деҳқонобод қишлоғида фермерларга хизмат кўрсатувчи ёнилғи-мойлаш ҳамда минерал ўғит таъминотини йўлга қўядиган муқобил шохобчалар ишга тушди. «Пахтабанк»нинг туман филиалида 7 миллион сўмлик мақсадли кредит ажратилиши мушкулимизни янада осон қилди.

Биз фермерлардан Президентимиз ишончини оқлаш, енг шимариб меҳнат қилиш, мамлакатнинг иқтисодий ривожига баҳоли қудрат улуш қўшиш талаб этилади. Бу йил буғдой-пахта йили бўлди, десам мақтанишга кирмас. 46 гектарга экилган буғдой ҳосили кутилганидан зиёда бўлди. Гектаридан 61 центнердан сара дон етиштирдик. Ялпи хирмон 120 ўрнига 128 тоннани ташкил этди. Шартномадан ортган 60 тонна ғаллани ишловчиларга тарқатдик. Ўзимизга 8 тонна дон қолди. Ишлаган тишлайди, деганларидек, ғаллачиликнинг ўзидан 14 миллион сўм даромадга эга бўлдик.

Эртани ўйлаган, даромадни кўзлаган деҳқоннинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой. Буғдой парваришини ипак қурти боқиш билан қўшиб олиб бордик. 9 қути ипак қурти уруғини меҳр билан ардоқлаб, ҳар қутидан 50 килограммдан, жами 450 килограмм «кумуш тола» етиштирдик. Бозор иқтисодиёти изланиб, омилкорлик билан меҳнат қилишга ундамоқда. Иш билганга минг танга, деганлари шу бўлса керак.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда ҳам фермерлигимиз пешқадам. Пахтадан 40 тонналик хирмон уйдик. Хомашёнинг ҳаммаси биринчи навларга сотилганини хомчўт қилсак, бу 12 миллион сўм даромад қўлга кирди демакдир.

Ишловчиларга меҳрибонлик кўрсатишда туман агросаноат мажмуи тармоқ вакиллигининг ёрдамидан мамнунмиз. Жорий йилга касаба уюшма қўмаги билан ишловчиларнинг ўғил-қизлари оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Менинг ўзим «Чимён» санаторийсида мароқли ҳордиқ чиқардим.

**К.ПИРНАЗАРОВ,**
**Хўжаобод туманидаги «Адрдеҳқон» фермер хўжалиги раҳбари**

**Бухоро шаҳридаги «32-Меҳрибонлик уйи»да 84 нафар бола меҳр оғушида тарбияланяпти. Муассасага малакали педагог Саида Шарипова раҳбарлик қилаётир.**

## ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

Бу ерда ўксик болаларнинг намунали тарбияланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Уч қаватли ҳашаматли бино, жаннатга қиёс ҳовли саҳни, шинам ётоқхона ва бошқа хоналар талаб даражасида жиҳозланган. Ошпаз Баҳриддин Пўлатов пишираётган хушхўр, қувватли таомлар болаларга жуда ёқаётир. Тарбияланувчилар 8-мактабга бориб ўқишмоқда. Бу уларнинг дўстлари доираси кенгайишига ва ҳаётларининг ранг-баранг бўлишига хизмат қилмоқда. «Меҳрибонлик уйи»да кунлар мазмунли ўтади. Байрамлар ажойиб нишонланади. Ҳеч кимнинг туғилган куни унут бўлмайди.

**А.ҚОРАБОЕВА**

## «НАСИБА ЧЕВАР» ИШ БОШЛАДИ

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Соатқул Жўраев номли фермерлар уюшмаси ҳудудидаги «Ҳаловаттепа» маҳалласида «Насиба чевар» кичик корхонаси иш бошлади. Унга шу маҳалланинг фаол аёлларидан бири Насиба Жапақова раҳбарлик қилмоқда.

Тадбиркор аёл аввало ўз маблағи ҳамда маҳалла қўмагида корхона учун бино қурди. Сўнгра, ўнга яқин тикув машинаси сотиб олиб, 15 нафар хотин-қизни касбга ўргатди ва ишга қабул қилди. Айни пайтда улар тиккан бежирим ва сифатли кийим-кечаклар харидорларга маъқул бўлаётир.

«Насиба чевар»нинг кўмаги билан бу ерда савдо дўкони, сартарошхона, телерадио устахонаси ва чойхонани ўз ичига олган замонавий маҳалла гузари ҳам қуриб битказилди.

## ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ

Янги йил арафасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати Жиззах вилояти Фориш туманининг Банд шаҳарчаси туғруқхонасига махсус жиҳозланган «Дамас» автомашинасини совға қилди.

Ҳукуматимизнинг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, туғруқхонларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилган. Бу борада Жиззах вилоятида, хусусан Фориш туманида ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури асосида бюджет, грант ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан жами 6 миллиард 850 миллион сўмлик ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида, айниқса, қишлоқ жойларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилани соғломлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят қишлоқларида яшовчи 12 минг 700 нафарга яқин туғиш ёшидаги аёл, салкам 39 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

Турли хасталикларга чалингани аниқланган 102 нафар туғиш ёшидаги аёл ва 147 нафар бола даволанди. Бугун вилоятда оналар ва болалар саломатлигининг кескин яхшиланганлиги, болалар ўлими ва турли нуқсонли туғилиш ҳоллари деярли юз бермаётгани «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг изчил амалга оширилаётгани самарасидир.

**(ЎзА)**

## Маҳалланг — отанг-онанг!

# ҲАР БИР ХОНАДОН ЭЪТИБОРДА

**Ёши элликларни қоралаб қолганига қарамасдан ниҳоятда ҳаракатчан, чеҳрасидан доимо нур ёғилиб турган бу аёлни ҳамиша одамлар орасида, гоҳ хонадонларда, гоҳ мактаб, мактабгача тарбия муассасаларида учратаман. Одина опа эътиборида ўзи раислик қилаётган Наманган шаҳридаги «2-Гўзал» маҳалласидаги ҳар бир хонадонда кечаётган воқеалар, қувонч ва ташвишлари четда қолмайди. Опа ҳатто ҳар бир боланинг қайси мактабда ўқишини ҳам яхши билади. Уларнинг эртанги куни учун жон куйдиради.**

Фуқаролар йиғини шаҳардаги энг намунали жамоат бирлашмаларидан бири сифатида тилга олиниши бежиз эмас. Буни маҳаллада ўтказилаётган хайрли тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, жамиятнинг, айниқса келажак авлоднинг соғлом бўлиши туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигига кўпроқ боғлиқ. Маҳаллада белгиланган тадбирга асосан 68 нафар ана шундай аёллар аниқланди. Уларни бепул даволаш, тиббий кўрикдан ўтказиб, соғлиқларини доимий назорат қилиш йўлга қўйилди. Ногирон бола туғилиши олдини олиш мақсадида қариндошлар ўртасидаги никоҳга қарши тез-тез суҳбатлар ўтказилмоқда. Бўлажак келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтиб, «Оила» марказидаги ўқув курсларини тугатиб келганларидан сўнг маълумотномалар берилмоқда.

Маҳаллада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг яна бир муҳим шарти ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш қилиб белгиланган. Шу асосда иллат комига тушган фуқароларга мураббийлар бириктирилиб, жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда.

Очиғини айтганда, кўп қаватли турар-жой бинолари олдидаги болалар спорт майдончалари деярли эътиборсиз қолдирилди. Ҳатто кўплаб болалар майдончаларидаги ўйин ва спорт қурилмалари йўқ қилиб юборилди. Одина опа ана шу болалар спорт майдончаларини тиклаш, уларни янгидан жиҳозлаш ташвиши билан яшаяпти. Бунинг учун ҳудуддаги корхона ва ташкилотларнинг беминнат оталиқ ёрдами керак, албатта.

Шуниси характерлики, маҳаллада ҳар бир байрам санаси маънавий-маърифий кун сифатида нишонланади. Жумладан, 1 июн — «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан хайрия тадбири ўтказилиб, кам таъминланган оила фарзандлари учун дастурхон ёзилди. Ночор оила фарзандларига кийим-кечаклар совға қилинди. Маҳаллада истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари, ногиронлар ҳам доимий эътибор марказида турибди. Уларнинг даволанишлари, дам олишлари учун ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Тўй ва маросимлар тартибга келтирилмоқда.

Бу ерда «Озода маҳалла — обод маҳалла» шиорига қатъий амал қилинмоқда. Биргина «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида маҳалладаги ҳар бир кўча, хонадон деворлари тўла таъмирланди. Мавжуд дарахтларга шакл берилди, 2000 донадан ортиқ ниҳоллар ўтқазилди. Маҳаллада болалар спортини ривожлантириш мақсадида уларни турли спорт тўгаракларига қатнашишлари йўлга қўйилиб, каратэ, кураш, футбол, шахмат-шашка, баскетбол тўгараклари мураббийлари фаолияти назоратга олинди.

Одина опа маҳалла фаоллари билан баҳамжиҳатликда ишлаб, турли келишмовчилик ва низоларни ўз вақтида бартараф этиб, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда доимо бош-қош. Шунинг учун ҳам маҳаллада ҳозирги кунга қадар биронта ҳам жиноят содир бўлмади. Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши, маҳалла ҳудудидаги дўконлар фаолияти мунтазам ўрганиб борилади. Жонкуяр Одина Пўлатова сингари фаол аёллар сафи кенгайса, ҳеч шубҳасиз жамиятимизнинг тараққиёт йўлидаги юқори поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўларди.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## «Ишонч» фош этади

# БОЛАЛАР РИЗҚИНИ «ТУЯ» ҚИЛГАНЛАР

**Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ижтимоий нафақа тўловларини тўғри ташкил этиш вазифалари белгилаб берилган. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам тайинлашда ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилишлари, айтилган.**

**Қашқадарё вилоят молия бошқармаси маълумотига кўра 871 ҳолатда 13,2 миллион сўмлик моддий ёрдам ва нафақа пуллари амалдаги низом ва қоидаларга зид тарзда тўланган.**

Ушбу Фармон ва қарорларнинг бажарилиши юзасидан умумий назорат тартибида текширишлар ўтказилганда, жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Болаларга аталган ризқ-насибани «туя» қилаётган ноинсоф кишилар учраётганлиги дилни ранжитади.

Яккабоғ туманидаги 15 та ўзини-ўзи бошқариш органларида 22 нафар онага бюджетнинг 810 минг сўмлик маблағи қонунсиз тўланганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бундай салбий ҳолатлар Оқтош маҳалла фуқаролар йиғинидан Дилбар Ортиқова, Мевазор маҳалла фуқаролар йиғинидан Меҳринисо Орзиқуловалар томонидан содир этилди. Улар 2 ёшгача бўлган фарзандларига нафақа олиш учун бир йўла икки жойдаги маҳалла фуқаролар йиғинига ҳужжат топширишган. Дилбар Ортиқова 265, Меҳринисо Орзиқулова эса 225 минг сўм пулни олиб ўз манфаатларига ишлатиб юборишган. Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғинида беш нафар онага нафақа тўлаш муддатига риоя этмасдан, бюджетнинг 377 минг сўмлик маблағи «ҳадя» қилиб юборилган. Айрим мутасадди раҳбарларнинг хизмат вазифаларига совуққонлик ва лоқайдлик билан қарашлари туфайли Бешўғил фуқаролар йиғинида Г.Боймуродовага ҳатто вафот этган фарзанди учун нафақа тўлаб келинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида нафақа олувчиларнинг даромадлари ҳақидаги маълумотларни сохталаштириш, ҳар бир оила аъзосига белгиланган мезондан ортиқ нафақа тайинлаш, баъзи бир ҳолатларда нафақа пулларини ҳам иш жойидан, ҳам фуқаролар йиғинидан олиш каби нуқсонлар учраб турибди. Масъулиятсиз мутасаддилар айби билан бола нафақа олиш ёшидан ўтгандан кейинги ойларда ҳам пул тўланган. Бундай нуқсонларнинг келиб чиқишига нафақаларни тайинлаш комиссияси аъзолари, фуқаролар йиғини раисларининг қонунчиликда, йўриқномаларда кўрсатилган тартиблардан хабардор эмасликлари, ёки билсалар ҳам унга амал қилмаётганликлари сабаб бўлаяпти.

Қарши шаҳридаги Заҳоки Марон маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Бобоев моддий ёрдам ва нафақа пулларини тўлашда катта нуқсонларга йўл қўйган. Натижада 451,8 минг сўм маблағ ноқонуний тўланган. Ғузор туманидаги Шакарбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида (раиси Ш.Бозоров) 188,7 минг, Деҳқонобод туманидаги Оқтош фуқаролар йиғинида (раиси С.Эрматов) 380 минг сўм, Бошчарбоғда (раиси А.Муқимов) 308,3 минг, Гуроти маҳалласида (раиси Н.Қоржовов) 336,9 минг сўм қонунсиз тўловларга йўл қўйилганлиги кишини ташвишлантиради. Шунингдек, Косон туманидаги Чироқчи маҳалласи (раиси Х.Аҳмедов) 167 минг, Нишон туманидаги Каптарли маҳалласи (раиси У.Турсунов) 235 минг, Яккабоғ туманидаги Жамбул қишлоқ фуқаролар йиғинида (раиси Т.Туропов) 233,6 минг, «Қўшчинор» фуқаролар йиғинида (раиси Х.Ортиқов) 256,6 минг сўм маблағ ноқонуний тўланган. Шу тумандаги Я.Турсунов раислик қилаётган Ҳамза маҳалла фуқаролар йиғинида 548 минг, А.Эргашев раис бўлган Бешўғил маҳалла фуқаролар йиғинида бюджетнинг 852,4 минг сўм маблағи қалбаки расмийлаштирилганлиги учун кимлардир ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдида жавоб бердилар.

Халқимиз болажон. Шу боис давлатимиз томонидан фарзандларимизни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилган. Бироқ маҳалла фуқаролар йиғинида таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликка йўл қўйилиб, аҳолининг ёрдамга муҳтож, кам таъминланган қисми учун ажратилган маблағлар талон-тарож қилинаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

**И. ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**







Болалар спорти

# ҲОМИЙЛАР МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

***Ёш авлодни соғлом, бақувват қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёс. Бу борада мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Хусусан, болалар спортини ривожлантириш, баркамол авлодни вояга етказишда, жамиятда, оилада соғлом муҳит тарзини шакллантириш учун ҳукумат доирасида олиб борилаётган ишлар фикримиз далилидир.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони барчани бирдек илҳомлантириб юборди.

Ушбу Фармон уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган миллий тизимни янада такомиллаштириш йўлида ҳам қутлуғ қадам бўлди.

— Аввало болаларнинг умумий сони аниқланиб, спортнинг қайси турига қизиқишлари ўрганиб чиқилди, - дейди болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг ижрочи директори Исмоил Мирзаев.- Болаларнинг шаҳар, қишлоқ, олис овулларда, чўл ҳудудларида яшаш шароитлари ўрганиб чиқилиб, шундан келиб чиққан ҳолда қаерда қандай иншоот қуриш, қайси спорт турини ривожлантириш белгилаб олинди, шу асосда болалар спортини ривожлантириш бўйича ҳаракат дастури ишлаб чиқилди.

Кейинги уч йил мобайнида «Ёшлик», «Семурғ», «Нафис», «Хумо» сингари жаҳон андозаларига мос спорт мажмуалари барпо этилди. Айниқса, 2002 йилда Президентимиз кўрсатмалари билан 25 минг ўринли «Бухоро» спорт мажмуасининг ишга туширилганлиги вилоят ёшлари учун болалар спортини ривожлантириш борасида катта имкониятлар яратди. «Ёшлик» мажмуасида эса спорт гимнастикаси, баскетбол, волейбол, «Семурғ»да ритмик гимнастика, сузиш, қўл тўпи, «Нафис»да бадиий гимнастика, «Бухоро» мажмуасида эса спортнинг енгил атлетика, шахмат-шашка, кураш, каратэ турлари бўйича мунтазам машғулотлар олиб борилаётганлиги фикримиз далилидир. Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасига қарашли вилоят каратэ Федерацияси терма жамоаси бош мураббийси, қора белбоғ 3-ДАН соҳиби Мавлон Қаюмов олиб бораётган машғулотларда 400 нафарга яқин ёшлар мунтазам шуғулланиб келаяптилар. Маҳлиё Муҳаммедова, Нафиса Тошева, Гулҳаё Шерова, Икром Караматов, Муҳаммад Қаюмов сингари ёшлар спортнинг каратэ тури бўйича мусобақаларда фаол иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя қилаяптилар.

Бугунги кунда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 353 минг 300 нафардан ортиқ болаларнинг 48,5 фоизини қизлар ташкил этади. Спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони вилоятда 40,7 фоизни ташкил этиб, уларнинг 37,9 фоизи қизлардир.

2004 йилда манзилли дастур асосида Ғиждувон, Вобкент, Пешку, Қоракўл туманларида замонавий болалар спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2005 йилда Коғон, Ромитан, Шофиркон туманларида V типдаги спорт иншоотлари қурилди. Хусусан, Қоровулбозордаги «Гўзал» спорт соғломлаштириш маркази қайта реконструкция қилиниб болалар ихтиёрига топширилди. Янгидан қурилган спорт иншоотлари шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ихтиёрига ўтказилди. Улар асосида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият олиб бораяпти.

Барпо этилаётган спорт мажмуаларининг бир қисми ҳомийлар кўмагида қурилаётганлиги кишини қувонтиради. Ўтган йиллар давомида вилоятда 14 та спорт иншоотлари қурилган бўлса, уларнинг 6 таси ҳомийлар маблағи ҳисобига бунёд этилди. Кейинги 3 йилда вилоятда спорт иншоотлари сони 430 тага етди. Шунингдек, 269 та мавсумий спорт майдончалари, 73 та спорт заллари қурилди. Мактабларда янгидан қурилган спорт заллари 8 тага кўпайди. Бу мақсадлар учун 2004 йилда 509,8 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, жорий йилнинг шу кунигача бу кўрсаткич 681 миллион сўмни ташкил этиб, шунинг тенг ярми ҳомийлар ҳисобига тўғри келади.

Болалар спортини ривожлантиришда спорт жиҳозлари ҳамда кийимларининг ўрни бўлакча. «Вардонзе» қўшма корхонасида 10 турдаги, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида 17 турдаги спорт кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. «Бухоромебел» ҳиссадорлик жамиятида 8 турдаги, «Бухоротаъмирмеханика» акциядорлик жамиятида 20 турдаги анжомлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шофиркон туманидаги «Қоровулон» фермер хўжалиги бошлиғи Баҳодир Нуруллаев, «Ҳамро бобо» фермер хўжалиги раҳбари Одил Ҳақбердиевларнинг болалар спортини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари барчани қувонтираяпти. Бу ерда қишлоқ ёшлари дзю-до, миллий кураш, футбол, волейбол турлари бўйича шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказаяптилар. Шуниси диққатга сазоворки, фермер хўжаликлари раҳбарлари даромадлари эвазига эскирган биноларни таъмирлаб, болаларга спорт анжомлари олиб бераяптилар.

Вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежларда ҳамда маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирлар ёшларнинг қизиқишларини яна ҳам орттирмоқда. Айниқса, «Соғломжон-полвонжон», «Барчиной авлодлари», «Тўмарис» каби спорт фестиваллари қишлоқ қизлари орасидан қобилиятлиларни аниқлашда имкон яратмоқда.

Оммавийлик охир-оқибат маҳоратга ижобий таъсир этмоқда. Халқаро мусобақаларда 2004 йилда 9 нафар спортчи ёшлар совринли ўринларни эгаллаган бўлса, 2005 йилга келиб улар сони 78 нафарга етди. Шунингдек, республика мусобақаларида ҳам бугунги кунда 363 нафар спортчи-ёшлар иштирок этаяптилар.

Ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Вилоятда мураббийлар етишмайди. Кадрлар масаласи муаммолигича қолмоқда. Вилоятдаги 41 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийлар билан тўлиқ таъминланган. Бу борада етук мураббий кадрлар тайёрлаш лозим бўлади.

Бугунги кунда 979 нафар мураббий иш олиб бораётгани ҳолда, вилоят бўйича 100 нафардан ортиқ малакали мураббийларга эҳтиёж сезилмоқда. Айниқса, хотин-қиз мураббийлар сонини кўпайтириш лозим. Шуларни эътиборга олиб, Бухоро шаҳрида минтақавий жисмоний тарбия институти ташкил этилса, нафақат вилоятда, балки қўшни вилоятларда ҳам ҳақиқий спорт мураббийларини тайёрлаш имконияти кенгаярмиди... Чунки болалар спортини яна ривожлантириш учун мураббийлар тайёрлаш масаласи нафақат Бухорода, балки қўшни вилоятларда ҳам муаммолигича қолмоқда.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

***Уч йилдирки, болалар спортини ривожлантиришда муайян ишлар амалга оширилаяпти. Йирик спорт мажмуалари бунёд этилди, янги-янги секциялар фаолият кўрсата бошлади, шуғулланувчилар маҳорати ҳам кун сайин ошиб бормоқда.***

Тумандаги 7-сонли "Олимпия" спорт мактаб-интернатида 163 нафар бола тарбияланмоқда. Халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рамзиддин Саидов, Фарҳод Тўраев, Камол Муродов, Фурқат Маматов, Мансур Жумаев сингари спорт юлдузлари ҳам шу мактабда таҳсил олганлар. Улар Жаҳон ва Осиё чемпионлигини қўлга киритиб, Атланта, Сидней ва Греция олимпиадаларида иштирок этганлар. Кези келганда, ҳомийлар ва оталиқ ташклиотлар кўмаги билан жойларда болалар спорт мажмуалари қурилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Лекин бу иш суст олиб борилмоқда. Ёшларни кўпдан буён бир муаммо ўйлантириб келади. Мактаблардаги спорт заллари ва майдончалари ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Бундан 35-40 йил илгари қурилган бинолар таъмирталаб бўлиб қолган. Туман мактабларининг 10 тасида спорт заллари мавжуд эмас. Спорт анжомлари етишмайди. Вобкент, Шофиркон туманларида қурилган замонавий болалар спорт мажмуаларини кўриб, бизда ҳам ана шундай спорт мажмуалари бўлишини орзу қилдик. Хусусан, «Резгар» қишлоқ болалар спорт мажмуаси диққатимизни тортди. Бизда ҳам ана шундай замонавий спорт мажмуалари қурилса туманимиздан етишиб чиққан 11 нафар Олимпия чемпионлари сони яна ҳам кўпаярмиди.

**Муҳаммади ПАРМОНОВ,**
**Олот туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси**



## ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАР

Ёшларнинг баркамол бўлишида спортнинг аҳамияти катта. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли болалар ижодиёт марказида ташкил этилган бадиий гимнастика машғулотлари ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Марказда 2 та бадиий гимнастика, 2 та бокс, шахмат-шашка тўгараклари ишлаб турибди.

Марказ раҳбари Баҳодир Тиллаевнинг саъй-ҳаракати билан барча қулайликларга эга бўлган бадиий гимнастика зали тобора гавжум бўлиб бораяпти. Ўқувчи қизларда бадиий гимнастика кўникмалари шаклланиб бораётганлигини кўриб қалбимиз қувончга тўлмоқда. Ситора Нусратова, Кумуш Раззоқова сингарилар ҳозирданоқ мусобақаларда фаол қатнашмоқдалар.

Тўгаракда 45 нафар бола иштирок этаяпти. Илгари шундай замонавий спорт залларида машғулотлар олиб боришни орзу қилган бўлсак, эндиликда ҳомийлар кўмаги билан жиҳозланган замонавий спорт заллари ихтиёримизга берилган.

Вилоятда ушбу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишлар ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини яна ҳам орттирмоқда.

**Гулбаҳор ЮНУСОВА,**
**Шофиркон туманидаги болалар ижодиёт марказининг бадиий гимнастика бўйича мураббийси**

## ПОЛВОНЛАР СУЛОЛАСИ

Дунёда бирон соҳа спортчалик кишини машҳур қила олмайди. Бугунги кунда Халқаро кураш ассоциацияси томонидан бир неча нуфузли мусобақалар ўтказилаётганлиги ёшларни спортнинг бу турига қизиқишларини орттирмоқда.

Бухоролик полвонларнинг довруғи оламга кетган. Вилоятда машҳур полвон Собир Қурбонов издошлари талайгина. Ришот Собиров, Бобур Очилов, Мирали Шарипов сингари полвонларни ким танимайди, дейсиз.

Халқимиз курашни эъзозлайди. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилганлиги кураш турларининг кенг қулоч ёзишига туртки бўлди. Эндиликда туманадаги "Ошиқ" спорт мажмуасида қарийб 100 нафарга яқин мактаб ўқувчилари миллий кураш, каратэ, қўл тўпи, стол тенниси, волейбол билан шуғулланмоқда.

Болалар спортини ривожлантиришда ҳомийлар ёрдами катта. "Гулистон", "Зарафшон" ширкат хўжаликларидаги клуб биноларининг "Кураш" федерацияси ихтиёрига берилганлиги айни муддао бўлди. Эндиликда "Кураш" федерацияси томонидан қайта таъмирланиб жиҳозланган, замонавий залга айлантирилган мажмуада бадиий гимнастика бўйича 60 нафарга яқин қизлар ҳам иштирок этмоқдалар.

**Қурбон АБДУЛЛАЕВ,**
**Жондор туман «Кураш» федерацияси раиси**

***Тенгдошларимиз билан кўпдан буён орзу қилган спорт мажмуасига эга бўлдик.***

## БИЗ КУТГАН МАЖМУА

Айни пайтда Қўқон қишлоғида барпо этилган ушбу мажмуада 403 нафар бола шуғулланмоқда. Хусусан, каратэ, футбол, волейбол, баскетбол турлари бўйича катта тажрибага эга бўлган устозимиз Аваз Ҳамроев бизга кўп нарсаларни ўргатяпти. Синфимизда 29 нафар ўқувчининг барчаси спортга қизиқади. Муҳриддин Искандаров, Меҳриддин Низомов сингари тенгдошларим билан дарсдан бўш пайтда маҳоратимизни чархлаш устида астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Мақсадимиз, бизнинг соғлом бўлиб вояга етишимиз учун шунчалар шарт-шароит яратиб бераётган юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб камол топишдир.

**Баҳриддин АБДУЛЛАЕВ,**
**Вобкент туманидаги 12-мактаб ўқувчиси**

# МЕҲРИНГ ИЛА ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

***Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ Қуролли кучларда армия хизматини ўташ ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Қуролли кучларнинг тубдан ислоҳ қилинаётганлиги, сон жиҳатдан ихчам, яхши таъминланган, замонавий алоқа билан қуролланган, ҳар қандай вазиятда юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилишга қодир тизилмалар ташкил топганлиги ёшларнинг армияга қизиқишини тобора оширмоқда.***

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг ҳар томонлама профессионал ўсиши, жисмоний, маънавий, интеллектуал ривожланиши учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Туман мудофаа ишлари бўлими, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Нуроний» жамғармаси, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати билан қишлоқ ва маҳаллалар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида «Ватан саждагоҳ каби муқаддас», «Мардлар қўриқлайди ватанни», «Ҳарбий хизмат нуфузи», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуларида суҳбат ва мулоқотлар, уч авлод учрашувлари уюштирилмоқда. Ҳарбий хизматга соғлом, бақувват, маънавий юксак ва

## Муқаддас бурч

билимдон йигитларни танлаб олиш йўлга қўйилганлиги ижобий натижани бераяпти.

– Армия сафига олинган ҳарбийларга берилаётган имтиёзлар ҳар бир ёшни ўзининг фуқаролик бурчини виждонан бажаришга даъват этади, – дейди туманнинг Қурилиш қишлоғида яшовчи Нозбиби Муқимова. – Бахтсиз фожеа туфайли отасидан эрта ажралган ўғлим Жамшид Холиёровга оқ фотиҳа бериб, хизматга жўнатган эдим. Хизматни тугатгандан сўнг шартнома асосида ўша жойда ишга қолди. Фарзандим Ватан қўриқчиси бўлиб етишганидан бениҳоя мамнунман.

Қори Ниёзий номли умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, бир-биридан ақлли беш фарзандни тарбиялаган София Ҳайдарова ўғилларининг камолидан бахтиёр. Ҳам ота, ҳам она бўлиб ҳаётининг кўп қисмини болалар тарбиясига бағишлаган жонкуяр муаллима мард, ватанпарвар, содиқ ва фидойи фарзандларни вояга етказди. София опанинг катта ўғли Баҳром Норқулов хизматдан қайтганидан сўнг ички ишлар идоралари ходимлари сафига қабул қилиниб, қўриқлаш бўлинмасида ишлаяпти. Яна бир ўғли Илҳом армия хизматини ўтаб, ҳарбий қисм билан ўз тақдирини боғлади. Шартнома асосида хизмат бурчини муваффақиятли адо этмоқда.

Косон туманида ҳам сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат турини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Машғулотларда ўзини кўрсатган ёшлардан бир гуруҳи Ички ишлар, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари қўшинларида шартнома асосида хизмат қилаяпти.

Сафарбарлик хизматини ўтаганлардан Беҳзод Асадов, Элбек Суяров, Жасур Султонов, Зафар Омонов, Тошмирза Холбердиев, Ҳасан Эргашев кабилар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси курсантлигига қабул қилиндилар.

– Ҳар бир ҳарбий армияда нима учун хизмат қилаётганлигини тўғри тушуниб етиши керак, – дейди курсант Бахтиёр Эгамбердиев. – Қуролли кучлар учун кичик командирлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Қисмларимиз ғоявий етук, ҳарбий техника ва замонавий қуролларни ишлата оладиган кадрлар билан мустаҳкамланаяпти.

Республикамиз жанубий сарҳадларида фуқаролик бурчини бажараётган ёшлар билан суҳбатлашганимизда улар Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорлари ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётганлигидан мамнун эканликларини изҳор қиладилар. Косонлик Баҳодир Шодиев, Тўрға қишлоғидан Лазизбек Ботиров, Пудино қишлоғидан Шерали Баҳромов хизмат бурчини шараф билан адо этишаяпти. Она Ватан. Муқаддас тупроқ, ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз ҳоки-тупроғи ётган табаррук замин. Тинч ва осойишта меҳнат билан машғул бўлган фидойи халқ. Ватанимиз осойишталигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини қўриқлаб турган аскарга умид кўзларини тиккан дуогўй ота-оналар, келажакка кўз тиккан йигит-қизлар, ҳаётимиз чечаклари жажжи болажонлар. Улар юрт тинчлигини, осмонимиз мусаффолигини ҳушёрлик билан қўриқлаётган ҳарбийлар қудратига юксак ишонч билан боқмоқдалар.

**И.ТИЛЛАЕВ**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти "Давинком" давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига **2005 йил 30 декабрдан** қуйидаги объектлар қўйилаётганлигини маълум қиламиз.

1.Наманган вилояти, Чортоқ туманида жойлашган "Ўзбекнефтгаз" МХК таркибидаги "Чортоқ нефт базаси". **Бошланғич баҳоси – 94344 АҚШ доллари.**

2.Қашқадарё вилоятида жойлашган "Ўзавтойўл" ДАК таркибидаги "Қашқадарёйўлтаъминот" МЧЖнинг 30 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси – 93189,1 минг сўм.**

Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан РКМБ Фарғона вилояти маклерияти орқали Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2005 йил 23 декабрдан қуйидаги объект қўйилганлигини маълум қиламиз:

Фарғона шаҳар Ермозор кўчаси 1-уйда жойлашган "Минтақалараро автошоҳбекат бирлашмаси" МЧЖ Низом жамғармасидаги 85,2 фоиз давлат улуши (фаолиятини сақлаш шарти билан). **Бошланғич баҳоси — 6025202 сўм.**

РКМБ Фарғона вилояти маклерияти орқали 2005 йил 30 декабрдан қуйидаги объект қўйилади:

Фарғона шаҳрида жойлашган "Фарғонатрансмахсусқурилиш" МЧЖнинг хатловда аниқланган, жамиятнинг Низом жамғармасига киритилмаган давлат активлари. **Бошланғич баҳоси — 1204200 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1"А" уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Телефонлар: 399-80-26, 136-26-26.**
**Факс: 136-06-17 www.rkmb.uz**
**Фарғона вилояти Фарғона шаҳар М.Қосимов кўчаси 35-уй. РКМБ Фарғона вилояти филиали. Телефонлар: 8(3732) 24-68-72, 24-68-70. Факс: 8 (371) 114-62-35.**









ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.